



Муттафақун алайх қориб берген саллаллоху ахади муттафақун алайх ҳадисда: «Саждада мўътадил бўлинглар, сизлардан бирингиз билакларини итнинг тўшашидек тўшаб олмасин».

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саждада мўътадил бўлинглар, сизлардан бирингиз билакларини итнинг тўшашидек тўшаб олмасин», дедилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Баро розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саждада борганингда кафтларингни ерга қўйиб, тирсакларингни кўтар», дедилар.

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Буҳайна розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқисалар, (саждада қилганларида) икки қўллари орасини очардилар, ҳатто қўлтиқларининг оқлиги кўринар эди.

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Буҳайна розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқисалар, (саждада қилганларида) икки қўллари орасини очардилар, ҳатто қўлтиқларининг оқлиги кўринар эди.



Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳумайд ас-Соъидий розияллоҳу анху айтади: Кўрдимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозда такбиратул-эҳромга) такбир айтганларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтарар эдилар. Рукуъ қилганларида икки қўлларини икки тиззалирига маҳкамлаб қўярдилар, сўнг белларини бир текис букардилар. Бошларини (рукуъдан) кўтарганларида қад ростлаб турардилар, ҳатто умуртқанинг ҳамма суюклари ўз ўрнига қайтарди. Сажда қилганларида икки қўлларини тўшамаган ва (ёнларига) қисмаган ҳолда қўярдилар ва икки оёқлари бармоқларининг учини қиблага қаратардилар. Икки ракъатдан кейин ўтирсалар чап оёқларига ўтириб, ўнг оёқларини тиккалардилар. Охирги ракъатда ўтирсалар чап оёқларини (ўнг оёқлари остидан) олдинга чиқариб, ўнг оёқларини тиккалардилар ва думбаларига ўтирадилар.»

Шарх:

Сажданинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур ҳадисларида таълим берган ўзига хос суннатлари бор. Булар намозни

комил, нуқсонсиз адo қилишга ёрдам берадиган амаллардир.
Шунингдек саждада намозга таъсир кўрсатадиган макруҳ амаллар
борки, улардан четланишга буюрилганмиз.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Саждада билакларни ерга тўшаб олиш макруҳ, кўтариб туриш суннат.
2. Саждада икки тирсакни биқинлардан узокроқ тутиш суннат.
3. Саждада турганда оёқнинг бармоқлари қибла тамонга қараб туриши суннат.